

DOI 10.36074/grail-of-science.25.06.2021.082

ЧИЗМАЧИЛИК ТАЪЛИМИНИНГ УЗВИЙЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Аширбаев Азим Озодович

Муҳандислик ва компьютер графикаси кафедраси доценти
*Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети,
Ўзбекистон Республикаси*

Аннотация. Мақолада Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимида чизмачилик фанини ўқитишни ривожлантириш, таълимнинг узвийлиги ва уни таъминлашнинг илмий-методик муаммолари, бу муаммоларнинг ҳал қилиниши бўйича замон талабларига мос ечимлар тўғрисида фикр юритилади.

Таянч тушунчалар: таълим, узлуксизлик, узвийлик, чизмачилик.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Таълим тарбия тизимини янада такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорида [1] белгиланган “Мактабгача, умумий ўрта, профессионал ва олий таълим ўқув дастурлари ва фанларнинг узлуксизлигини ва узвийлигини таъминлаш” вазифалар ижроси юзасидан Таълим инспекцияси томонидан тегишли вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда самарали ишлар амалга оширилди ва оширилмоқда.

Бунда Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимида чизмачилик фанини ўқитишни ривожлантириш концепцияси Ўзбекистон Республикасининг 2035 йилгача ривожланиш Стратегиясининг концепцияси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5712-сонли [2] ҳамда 2019 йил 6 сентябрдаги “Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5812-сонли [3] ва 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармонлари [4], 2025 йилгача Ўзбекистон саноатининг ривожланиши концепцияси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январда Олий Мажлисга Мурожаатномасида белгиланган вазифалар ижроси асосида ишлаб чиқиш назарда тутилган.

Жумладан, Финландия Таълим ва маданият вазирлиги вакиллари билан Финландия таълим тизимини ўрганиш юзасидан таълим жараёнларининг энг муҳим кўрсаткичларидан иборат мавзуларда онлайн семинарлар ўтказиш бўйича келишувларга эришилди [5-11] . Дастлаб, узлуксиз таълим тизимида

Финляндія тажрибасини ўрганишга қаратилган таълим тизимининг барча босқичлари ҳақида кенг қамровли маълумотлардан иборат семинар ташкил қилинди, бошланган самарали ҳамкорликнинг узвий давоми сифатида “Финляндія таълим тажрибасини ўрганиш бўйича иккинчи онлайн семинар: Таълим дастурлари ва ўқув материаллари” мавзусида ўтказилди. Вебинарда Финляндія Миллий таълим агентлиги вакиллари томонидан миллий ва маҳаллий даражадаги ўқув дастурлари, дарсликлар, ўқув материалларини тайёрлаш бўйича тақдимотлар намойиш этилди [12-18]. Бундай кенг қамровли семинарда тегишли мутахассислар (Узлуксиз таълим тизими Концепциялари ва ўқув дастурларини ишлаб чиқишда, экспертизадан ўтказишда қатнашган мутахассислар, тажрибани амалга ошираётган олимлар, ўқитувчилар, методистлар) фаол иштирок этишди ва тегишли хулосалар чиқарилди.

Ҳозирги кунда умумтаълим мактабларида ўқувчиларга таълим беришнинг замонавий инновацион услулари жорий этиш Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти кейинги 10 йил ичида дунёнинг тараққий этган индустриал-технологик локомативлари қаторига кириши, яъни 2030 йилга келиб иқтисодиётнинг саноат ва технологик тармоқлари бўйича жаҳонда етакчи давлатлардан бирига айланишига замин яратишда муҳим шартлардан биридир [19-24].

Иқтисодиётнинг барча соҳаларини рақамли технологиялар асосида янгилашни назарда тутадиган “Рақамли Ўзбекистон -2030” дастурини ишлаб чиқиш ва жорий этиш вазифалари белгиланди [25-29].

Бу эса саноатнинг етакчи тармоқларини модернизациялаш ва рақобатдошликни кучайтириш, соҳага илғор технологияларни жорий этиш, юқори технологияли заводлар, технопарклар, ишлаб чиқариш корхоналари ташкил этиш, замонавий муҳандислик-коммуникация инфратузилмаларини барпо этишга янада кенг имкониятлар яратади.

Бугунги кунда умумтаълим мактабларида таълим олаётган ўқувчиларда саноати ривожланган мамлакатда таълим олиши, яшаши ва ишлаши учун зарур кўникмаларни шакллантириш долзарб масалага айланди [30-34].

Бу борада чизмачилик концепцияси:

1. Умумий ўрта таълим муассасаларида чизмачилик фанини ўқитишнинг назарий тизимларини, асосий тамойилларини, долзарб масалаларини, унинг ечимларини, мақсад ва вазифаларини ҳамда таълим муассасаларида мазкур фанни ўқитишнинг асосий йўналишларини белгилаб беради, жумладан:

- умумий ўрта таълим мактабларида ўқитилаётган чизмачилик фанини ўқитишда унинг таълим тизимида узвийлик ва узлуксизликни таъминлаш;
- умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчиларни миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида тарбиялаш;
- ўқувчиларда меҳнатсеварлик, тежамкорлик, ташаббускорлик ва тадбиркорлик сифатларини таркиб топтириш;
- ўқувчиларда мустақил, ижодий ва инновацион фикрлашни шакллантириш, ўз-ўзини ривожлантириш қобилиятларини таркиб топтириш.

2. Халқ таълими тизимида чизмачилик фанини ўқитишни ривожлантиришнинг асосий тенденцияларини белгилаб беради [35-40].

Жумладан:

- таълим соҳаси ривожланган хорижий давлатлар Россия, Германия, Англия, Франция, АҚШ, Жанубий Корея ва бошқа мамлакатларнинг таълим соҳасидаги ютуқ ва тажрибасидан фойдаланиб, миллий хусусиятларни ва мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларни ҳисобга олган ҳолда такомиллаштириш;

- чизмачилик фанидан Давлат таълим стандарти талабларини таълим сифати ва кадрлар тайёрлашга қўйиладиган халқаро талабларга мувофиқлигини таъминлаш;

- чизмачилик фани бўйича умумий ўрта таълим муассасалари битирувчиларига қўйиладиган малака талабларини амалиётга татбиқ этиш;

- чизмачилик фанини умумтаълим ва умумкасбий фанлари билан ўзаро интеграцияси ва ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш ишларини амалга ошириш;

- чизмачилик фани мазмунини сифат жиҳатидан янгилаш, шунингдек ўқитиш методикасини такомиллаштириш, таълим-тарбия жараёнини индивидуаллаштириш тамойилларини босқичма-босқич татбиқ этиш;

- чизмачилик фанини мазмуни, мустақил ҳаётда қўллаш имконияти бўлган график билимларни, танқидий фикрлаш ва ижодкорлик компетенцияларини шакллантириш;

- чизмачилик фанини ўқитишда вариатив ўқув модулларини ишлаб чиқиш;

- умумий ўрта таълим жараёнига чизмачилик фанини ўқитишда миллий, умуминсоний ва маънавий қадриятлар асосида ўқувчиларни тарбиялашнинг самарали шакл, усул ва воситаларини кенг жорий этиш;

- чизмачилик фанини ўқитишда гуманитар ва политехник, ижодий ва умуммаданий йўналишларни амалга ошириш;

- график фаолият билан иш кўрадиган турли хил соҳа вакиллари: турли йўналишдаги конструкторлар, архитекторлар, меъморлар, хунармандлар, муҳандислар ва дизайнерларнинг чизмалар билан боғлиқ фаолиятини ўрганишга йўналтириш;

- чизмачилик фанини ўқитишда ўқувчиларни ўзларининг ва ўзгаларнинг саломатликларини сақлашга, техника хавфсизлиги қоидалари ва санитария-гигиена талабларига риоя қилиш кўникмаларни шакллантириш;

- ўқувчи-ёшларни тарбиялаш ва уларнинг бандлигини таъминлашда чизмачилик фани бўйича синфдан ва мактабдан ташқари таълимнинг замонавий усуллари ва йўналишларини жорий этиш;

- чизмачилик фани бўйича назарий билимларни амалиётда қўллай олиш, кундалик ҳаётий жараёнларда дуч келган муаммоларни ҳал қилишда фойдалана олишга йўналтириш;

- чизмачилик таълими жараёнига рақамли технологиялар ва замонавий усулларни жорий этиш;

- ўқув-тарбия жараёни самарадорлигини ва натижавийлигини таъминлашда инновацион педагогик ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларини татбиқ этиш;

- чизмачилик фани методик ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш;

- чизмачилик таълим меъёрий хужжатларини таълим сифати ва кадрлар тайёрлашга қўйиладиган халқаро талабларга мувофиқлигини таъминлаш;
- чизмачилик таълим бўйича мактабгача, умумий ўрта, профессионал ва олий таълим тизимлари битирувчиларига қўйиладиган малака талабларини узвийлигини таъминлаш ҳамда амалиётга татбиқ этиш;
- чизмачилик таълим мазмуни ва моҳиятини сифат жиҳатидан янгилаш, шунингдек, ўқитишнинг янги аспектдаги методикасини ишлаб чиқиш, таълим-тарбия жараёнига индивидуаллаштириш тамойилларини босқичма-босқич татбиқ этиш;
- умумий ўрта, профессионал ва олий таълим тизимларида чизмачилик таълимнинг ўзаро интеграциясини таъминлаш ва битирувчиларни касб-хунарга ўргатиш орқали ҳаётга тайёрлаш ишларини ташкил этиш;
- чизмачилик таълим мазмуни, мустақил ҳаётда қўллаш имконияти бўлган график саводхонликни, танқидий фикрлаш компетенцияларини шакллантириш;
- чизмачилик таълимни ташкил этишнинг замонавий шакл, метод ва воситалари асосида тизимли ўқув модулларини ишлаб чиқиш;
- таълим жараёнига миллий, умуминсоний ва маънавий қадриятлар асосида битирувчиларни тарбиялашнинг самарали методикасини кенг жорий этиш;
- чизмачилик таълим жараёнига рақамли технологиялар ва замонавий усулларни жорий этиш;
- ўқув-тарбия жараёни самарадорлигини ва натижавийлигини таъминлашда инновацион педагогик ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларини татбиқ этиш;
- чизмачилик таълимнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва бюджетдан маблағ билан таъминлашнинг самарадорлигини ошириш;
- ишлаб чиқариш соҳасида бозор муносабатларига мос ўқувчи шахси, унинг интилишлари, қобилияти ва қизиқишларини аниқлаш;
- меъёрий хужжатларда назарда тутилган компетенцияларга асосланган баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш.

Демак, таълим узвийлигини таъминлаш ҳар бир даврга ўз талабларини қўяди ва уни инновацияга асосланган ҳолда ҳал қилиш навбатдаги вазифа бўлиб қолаверади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

- [1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 06.11.2020 й. ПҚ-4884-сон "Таълим-тарбия тизимини янада такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори. buxgalter.uz/ru/doc?id=640117_...
- [2] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 29.04.2019 й. ПФ-5712-сон "Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги Фармони. nrm.uz/contentf?doc=587392_&...
- [3] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 06.09.2019 й. ПФ-5812-сон "Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони. buxgalter.uz/ru/doc?id=599071_&...

- [4] Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш к онцепциясини тасдиқлаш тўғрисида. 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон Фармони. lex.uz/pages/forpda.aspx?lact_id...
- [5] Ro'ziyev E., Ashirboyev A. Muhandislik grafikasini o'qitish metodikasi: oliy pedagogika o'quv yurtlari uchun darslik. –T.: “Fan va texnologiya” nashriyoti, 2010. 248 bet.
- [6] Rahmonov I., Qirg'izboyeva N., Ashirboyev A., Valiyev A., Nigmanov B. Chizmachilik. –T.: “Voriz-nashriyot”, 2016.
- [7] Ashirboyev A. Chizmachilik: kasb-hunar kollejlari uchun o'quv qo'llanma. –T.: “YANGI NASHR” nashriyoti, 2010. - 193 b.
- [8] Raxmonov I.T., Ashirboyev A. Geometrik chizmachilik (Shriftlar) oliy pedagogika o'quv yurtlari uchun oquv qo'llanma. –T.: “NOSHIR” nashriyoti, 2009. – 160 b.
- [9] Ashirbayev A., Ergashev T. Common Mistakes and Their Warning in Teaching Drawing. *Yeastern European Scientific Journal*. Abgabe № 5-2018. ISSN: 2199-7977 Sopyright: Kommuniikations-und Verlagsgesellschaft mbH, Dusseldorf – Germany 378-380 b.
- [10] Ashirbaev, A., Ergashev, T., & Tillaeva, D. (2019). Typical Mistakes that Occur in the Process of Learning to Draft. *International Journal of Progressive Sciences and Technologies*, 17(1), 294-296.
- [11] Ashirbayev A. Chizmachilik fanida o'quvchilar yo'l qo'yadigan tipik xatolarning oldini olishda ogohlantiruvchi vazifalardan foydalanish. “Xalq ta'limi” OAK tasarrufidagi ilmiy-metodik jurnal, №4–son. 2020 y. (ISSN 2181-7839), 13-16 betlar.
- [12] Shoxboz, D. (2019). THE ESSENCE OF TEACHING ENGINEERING COMPUTER GRAPHICS AS A GENERAL TECHNICAL DISCIPLINE. *European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences Vol*, 7(12).
- [13] Dilshodbekov, S. (2018). Modern Graphic Programs Methodical Possibilities in Teaching Engineering Disciplines. *Eastern European Scientific Journal*, (6).
- [14] Valiev, A. (2021). About the features of the perspective of simple geometric shapes and problems in its training. *Збірник наукових праць SCIENTIA*.
- [15] Malikov, K. G. (2020). THEORY AND PRACTICE OF CONSTRUCTION OF AXONOMETRIC PROJECTS. *European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences Vol*, 8(9).
- [16] Gulomova, N. (2021). CHIZMA GEOMETRIYA, CHIZMACHILIK DARSLARIDA TALABALARGA TESTLAR ORQALI ULARNING BILIMINI ANIQLASH. *ГРААЛЬ НАУКИ*, (4), 404-408.
- [17] Xalimov, M., & Farxodova, Z. (2021). DEVELOPING STUDENTS' CREATIVE ABILITIES BY MAKING PROBLEM SOLUTION SITUATION IN DRAWING SUBJECT. *Збірник наукових праць Л'ОГОΣ*.
- [18] Усмонов, Б. Ш., Дадабоева, Д. И., & Валиева, З. Т. (2021). NX-ЭТО ИНТЕГРИРОВАННОЕ РЕШЕНИЕ ДЛЯ ПРОЕКТИРОВАНИЯ ПРОДУКТОВ, РАЗРАБОТКА И ПРОИЗВОДСТВО. *Scientificprogress*, 2(1), 825-834.
- [19] Мирзалиев, З. Э., Халимов, М. К., Маликов, К. Г., & Абдухонов, Б. Х. (2017). Методика использования нового механизма для построения аксонометрических проекций. *Молодой ученый*, (8), 1-6.
- [20] Gafurovich, M. K. (2021). Axonometry New Practical Graphical Methods For Determining System Parameters. *Psychology and Education Journal*, 58(2), 5710-5718.
- [21] Мурадов, Ш. К., Халимов, М. К., Мирзалиев, З. Э., & Рамазанова, Г. С. (2017). Определение параметров формы и положения кривых 2-го порядка. *Молодой ученый*, (7), 454-457.
- [22] Валиев, А. Н., Туланова, Д. Ж., & Гуломова, Н. Х. (2018). Современные педагогические и инновационные технологии обучения на занятиях по черчению. *Молодой ученый*, (3), 183-184.
- [23] Туланова, Д. Ж., & Гуломова, Н. Х. (2018). Технология и условия проведения дидактических игр в процессе преподавания черчения в вузе. In *Образование как фактор развития интеллектуально-нравственного потенциала личности и современного общества* (pp. 89-93).

- [24] Jabbarov, R., & Rasulov, M. (2021). FURTHER FORMATION OF STUDENTS' CREATIVE ABILITIES BY DRAWING LANDSCAPES IN PAINTING. *Збірник наукових праць ЛОГОΣ*. <https://doi.org/10.36074/logos-30.04.2021.v2.09>
- [25] Gulomova, N. (2021). Use of interactive methods for students in teaching drawing lessons (on the example of views). *ACADEMICIA: AN INTERNATIONAL MULTIDISCIPLINARY RESEARCH JOURNAL*, 11(1), 1637-1642.
- [26] Валиев А., Рихсибаева, Х., & Отабеков, У. (2017). Развитие пространственного мышления учеников при обучении черчения (на примере темы " Виды"). *Молодой ученый*, (13), 527-533.
- [27] Tashimov, N. E., Student, M., Zoitov, S., & Oblakulova, L. (2019). METHODS OF DEVELOPMENT AND APPLICATION IN THE EDUCATIONAL PROCESS OF COMPUTER TECHNOLOGY IN TEACHING GRAPHIC DISCIPLINES. *European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences Vol*, 7(12).
- [28] Alimovich, N. E. (2021). Determination Of General Positions For The Solution Of Geometric Tasks. *International Journal of Progressive Sciences and Technologies*, 25(2), 237-241
- [29] Jabbarov, R. (2019). Formation of Fine Art Skills by Teaching Students the Basics of Composition in Miniature Lessons. *International Journal of Progressive Sciences and Technologies*, 17(1), 285-288.
- [30] Халимов, М. К., & Жабборов, Р. Р. (2018). Сравнение продуктивности учебной доски и проектора в преподавании предметов, входящих в цикл инженерной графики. *Молодой ученый*, (6), 203-205.
- [31] Nozimovich, T. N., Ibrahimovna, Y. N., & Ravshanovich, J. R. (2020). Development Of Student's Creative Abilities In The Fine Arts In The Higher Education System. *The American Journal of Social Science and Education Innovations*, 2(07), 232-238.
- [32] Nazirbekova, S. B., Talipov, N. N., & Jabbarov, R. R. (2019). Described the Educational, Scientific, and Educational Institutions of the Miniature. *International Journal of Progressive Sciences and Technologies*, 15(2), 364-367.
- [33] Jabbarov, R., & Rasulov, M. (2021). FURTHER FORMATION OF STUDENTS' CREATIVE ABILITIES BY DRAWING LANDSCAPES IN PAINTING. *Збірник наукових праць ЛОГОΣ*.
- [34] Jabbarov, R. (2021, April). DEVELOPING STUDENTS' CREATIVE ABILITIES THROUGH TEACHING " LANDSCAPE COLOR PICTURE" IN HIGHER EDUCATION SYSTEM. In *Конференції*.
- [35] Ravshanovich, J. R. (2021). PRIORITIES FOR THE DEVELOPMENT OF PAINTING. *Конференції*, 1 (1). SECTION 1, pp-39-49.
- [36] Khamidovich, T. N., Nozimovich, T. N., Ibrohimovna, Y. N., Ravshanovich, J. R., & Kholmuratovich, M. K. (2019). Development of students' creative abilities through teaching "landscape painting". *Journal of Critical Reviews. ISSN*, 2394-5125.
- [37] Jabbarov, R. (2021, March). Priorities for the development of painting. In *Конференції*.
- [38] Valiev, A. (2021). About the features of the perspective of simple geometric shapes and problems in its training. *Збірник наукових праць SCIENTIA*.
- [39] Талипов, Н., & Талипов, Н. (2021). ТАЛАБАЛАРНИ БАДИЙИ ТАЪЛИМ ОРҚАЛИ ҚОБИЛИЯТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ. *Збірник наукових праць ЛОГОΣ*.
- [40] Bulatov, S., & JABBAROV, R. (2016). № 2 National traditional basis of symbol of Khumo. *Central Asian Journal of Education*, 1, 85-87.